*Шундай яшар одатда одам*

# НАФОСАТГА ОШУФТА КЎНГИЛ



Кўктерак даҳасида Жўлмирзабий номини кексалар ҳамон эслашади. Унинг катта ер-сувли боғлари, қўра-қўра қўйлари бўлган. Умид нишони — тўнғич фарзанди Ҳайдарбий оғир қатағон йилларида диндорларга пешволик қилишда айбланиб, номи ўчирилган. Жўлмирзабийнинг бойлиги эса шўролар ихтиёрига ўтган. Оддий деҳқонга айланган бобоси бутун меҳрини набираси Ҳоликулга бахшида этди. Шундай қийинчиликларга қарамай, бобо табаррук ёшда — аср билан юзлашиб, бандаликни бажо келтиргандан кейин Ҳоликулга осон бўлмади. Етимликни бошдан кечирди. Уруш нималигини ҳис этди. Зеро, чиниқиб ўсган йигитча кўп ўтмай ўзининг зеҳни, фаросати, истеъдоди билан эътибор топа бошлади. Қўлига етуклик аттестатини олганида эса қайси касбни танлаш унинг учун муаммога айланмаган эди. Чунки у кўпроқ мўйқалам ўйнатишга, қалам тебратиб, ажиб тасвирларни шакллантиришга ошуфта эди. Шунинг учун ҳам Беньков номли республика рассомлар билим юртига ўқишга кирди. Йигитдаги машқнинг такомилини кўрган санъат арбоби Самиғ Абдуллаев унга мураббийлик қилишга аҳд қилди. Устоз кўрган шогирд эса ишончни оқлаш тараддудида бўлди. 1954 йили билим юртини муваффақиятли тугатган Ҳоликул Ҳайдаров Тошкент туманидаги Навоий номли 15-мактабда дарс бера бошлади.

У тиниб-тинчимади. Болаларга нафосатдан сабоқ бериш билан бирга ўзининг турли чизмаларини "Гулхан", "Ғунча" журналларига юбориб, ижодий ҳамкорликни йўлга қўйди. Журналларда эълон қилинган турли суръат ва расмлари эса рассомлардан Қутлуғ Башаров, Нури Галиев, Дамин Файзираҳмонов, Георгий Чегановлар назарига тушди. Ҳоликул бундай мўйқалам усталари билан яқин мулоқотда бўлди, дўстлашди.

— Йигитчани чиннига безаклар беришга ҳавас қўйганлиги менда ажиб таассурот қолдирган, — дейди устози, санъат арбоби Самиғ Абдуллаев.— Мен уни мой-бўёқ ёки сувбўёқларда йирик асарлар яратишга чорладим. Лекин унинг меҳрини чиннидаги нақшлардан ажратишнинг ҳеч иложи бўлмаган. Кейин билсам, бу шогирдим ўз йўлини танлаган экан.

Шундай бўлган. Ҳоликул айтган сўзидан, юрган йўлидан қайтмаслардан эканини намойиш эта олган. У 1968 йили Тошкент чинни заводига ишга келганида, корхонанинг довруғи ошган пайтлар эди. Тиришқоқ, киришимли, қизиқувчан Ҳоликул ҳам корхона довруғини янада оширишга ўз ҳиссасини қўшишига чоғланди. У катта-кичик соврин-кўзаларга ўзига хос ажиб нақшлар чизишни ўзлаштирдики, бундай буюмлар юртимиз аҳлини ҳайратга солди. У чизган чинни кўзаларда Индира Ганди, Сулаймон Демирэл, Алишер Навоий, Беруний, Улуғбек, Ғафур Ғулом каби буюк шахсларнинг сиймолари ўз ифодасини топди. Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси тарихи музейида Ҳоликул Ҳайдаровнинг Президентимиз Ислом Каримовнинг меҳр билан ишланган портрети ифодаланган улуғвор чинни кўпчиликни ҳайратга солаётир.

Ўзбекистон халқ рассоми Ҳоликул ака Ҳайдаровнинг бир армони бор. У ҳам бўлса, Тошкент чинни заводининг нуфузини яна кўтаришни, маҳсулотларини жаҳон андозалари даражасига кўтариш йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини беришини жуда-жуда истайди. Унинг ниятлари мустажоб бўлишига биз ҳам тилакдошмиз.

**Мирзо АНВАР.**



**—Асл тулпорларга кўркдир эгарим.**

**Янгибой ЖАМОЛОВ олган сурат.**

## ДЎСТЛИК УЧРАШУВЛАРИ

***Наманган вилояти ва Қирғизистон Республикаси ўртасида ўзаро қўшничилик алоқалари тобора ривожланиб бормоқда. Яқинда Янгиқўрғон туманининг Навоий қишлоғида ўтказилган дўстлик учрашуви ҳам ўзбек ва қирғиз халқлари ўртасидаги азалий қардошлик алоқаларини янада теранлаштириш мақсадида ташкил этилаётган тадбирлардан бири бўлди.***

— Миллатлараро дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаб бориш миллий истиқлол ғоясининг асосий тамойилларидан биридир, – дейди вилоят Қирғиз миллий маданият маркази раиси М. Истамкулова «Туркистон-пресс» мухбирига. – Бу борада мамлакатимиз, жумладан, вилоятимизда ҳам кўпгина тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳар икки халқ вакиллари тинчлик, осойишталик шарофати ва рамзи бўлмиш тўкин дастурхон атрофида дийдорлашиб, мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқлар, ўзаро дўстлик алоқаларининг истиқболлари ҳақида дилдан суҳбат қуришди. Ватан, тинчлик, дўстлик мавзусида мушоиралар бўлди.

Ушбу дўстлик учрашувлари Қирғизистоннинг Олабуқа тумани марказида давом этди. Унда ўзбек жамоатчилиги вакиллари қирғизистонлик дўстлари ҳузурида бўлиб, маънавий-маърифий тадбирларда қатнашдилар.

*Китоб жавонингизга*

# МАШАҚҚАТЛИ МЕҲНАТ МАҲСУЛИ

***Дамир Қурбонов узоқ йиллардан буён ҳуқуқ-тартибот, хусусан, прокуратура соҳасида самарали меҳнат қилиб келаётган ҳуқуқшунос. У мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, адолат ва ҳақиқат йўлида хизмат қилиш билан бирга кўплаб газета ва журналларда ўзининг жиноят ва унинг келиб чиқиши, оқибати, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, азиз неъмат бўлмиш озодлик, унинг қадрига етиш, инсонга Аллоҳ томонидан берилган умрни хазон қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлиги, жиноят содир этганларга жазо муқаррарлиги, инсон омили ва унинг қадр-қиммати каби ўқувчини мушоҳадага ундовчи қатор таҳлилий, долзарб мақолаларни мунтазам чоп этиб келаётир.***



Ижод қаламини оммавий ахборот воситаларида чархлаган Дамир Қурбонов бугун улуғ ва қутлуғ бир ишга — терговда ўзи бевосита иштирок этган, жиноятчиларга суд ҳукми билан жазо берилган, узоқ йиллар йиғилган ҳужжатлар асосида, улардаги воқеа-ҳодисаларни бадиийлаштириб, исм - фамилияларини ўзгартириб, детектив жанрида китоб яратишга бел боғлади. Ва унинг «Арвоҳ таъқиби» сарлавҳали ушбу ҳикоялар тўплами юзага келди.

Китобдаги ҳикоялар, ҳаётдан олинган воқеа-ҳодисалар ўқувчини осойишталигимиз, хотиржамлигимизнинг қадрига етишга, ҳаром билан ҳалолни, гуноҳ билан савобни ажрата билишга, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, меҳнатсиз бойликка интилиш каби салбий кўринишларнинг оқибати нималарга олиб келиши, озодликнинг қадрига етиш кабиларни ўйлашга, мушоҳада қилишга ундайди.

Баъзи ҳикояларда бадиий жиҳатдан бўшлиқ сезилади. Лекин бу камчиликлар узрли, чунки муаллиф ҳали қалами ўткир ёзувчи эмас, ҳуқуқшуннослигини унутмаслигимиз керак.

Ҳамма вақт ҳам дастлабки қадамни қўйиш бироз қийин кечади. Табиий, Дамир Қурбоновнинг ушбу китоби- дастлабки қадами уни янада илҳомлантириб, янги-янги асарлар ёзишга, детектив жанрдаги китоблар қаторини тўлдиришга ундайди.

**Имом НОРОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист.**

*26 июнь — Бутунжаҳон гиёҳвандликка қарши кураш куни*

# ТУБСИЗ ЖАРЛИК

## ёки гиёҳвандлик ва ичкиликбозликнинг оғир оқибатлари хусусида

***Гиёҳвандлик балоси, "Оқ ажал" кулфатлари, "Аср вабоси" — бундай атамаларни бот-бот эшитиб, кўпбора ўқиб қоламиз. Ҳар гал эшитганимизда ёки ўқиганимизда этимиз жунжикиб, баъзида бир қалқиб тушамиз. Лекин шунга қарамай бу офатдан у билан машғул бўлаётганлар ўзларига тегишли хулоса чиқариб олмаётирлар. Ачинарлиси, бу ажал балосининг юртимизга ҳам кириб келаётганлиги ташвишланарли ҳолдир.***



Гиёҳвандликка қарши кураш туманимизда ҳам яхши йўлга қўйилган. Туман прокуратурасининг жорий йилнинг биринчи ярмига мўлжалланган иш режаси билан танишсангиз бунга тўла амин бўласиз. Режага асосан гиёҳвандлик, ичкиликбозлик ва фоҳишабозлик билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш, фош этиш, уларга қарши курашиш учун прокурор назорати янада кучайтирилган. Натижада биргина ўтган йилнинг ўзида туманда жами 28 нафар шахснинг гиёҳванд моддаларни истеъмол қилганлиги, 152 кишининг спиртли ичимликлар ичишга ружў қўйганлиги аниқланди.

Туман ҳокимияти қошида наркотик моддаларни назорат қилиш комиссияси ишлаб турибди. Унга кўра туман ИИБ прокуратура томонидан тақдим этилган йиллик режага асосан, аҳоли ўртасида таркибида наркотик моддаси бўлган ўсимликларни етиштиришнинг олдини олади. Яширинча жойларда ўсаётган бундай ўсимлик майдонларини йўқ қилиш, иштирокчи шахсларни аниқлаш ва жиноятни фош этиш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишнинг олдини олиш бўйича тезкор тадбирлар ўтказилмоқда.

Бундан ташқари Республика "Наркотик моддалар устидан назорат қилиш бўйича давлат комиссияси"нинг кўрсатмаси ва Ички ишлар вазирлигининг тегишли буйруғи асосида туманда ҳар йили 1 майдан 31 июнгача биринчи босқич, 1 сентябрдан 31 октябрга қадар иккинчи босқичда кенг қамровли "Қорадори — 2003" мавсумий тадбири ўтказилиб келинади. Ўз-ўзидан равшанки, тадбирнинг асосий мақсади туман ҳудуди орқали олиб ўтиладиган гиёҳванд моддаларнинг йўлини тўсиш, таркибида шундай моддаси мавжуд бўлган ўсимликларни экиб етиштирилиши, сотилиши ва тарқалишининг олдини олишдан иборатдир.

Ушбу тадбирни ўтказиш учун тумандаги барча ҳуқуқ тартибот идораларининг ходимларига топшириқлар берилган. Шунингдек, аҳоли билан биргаликда ҳокимлик, соғлиқни сақлаш, жамоа хўжаликлари ва агросаноат тизими вакиллари, кенг жамоатчилик, маҳаллий бошқарув идоралари жалб этилган. Тузилган тадбирлар режасига мувофиқ ҳар бир идора хизматчисининг қиладиган ишлари белгилаб берилди.

Албатта бундай тезкор чоралар кўрилишининг сабаби бор: игна орқали гиёҳванд моддаларни қабул қилувчи шахслар 2001 йилда 15 нафарни ташкил этган бўлса, ўтган йили 18 нафарга етди. 2001 йилда 14 нафар шахс гиёҳванд моддаларни ноқонуний равишда тайёрлаш ва сотиш билан шуғулланган бўлса, бу ҳолатнинг ўтган йили 2 баробарга кўпайганлиги қайд этилиб, 30 нафар шахс ушланди. Жиноятчилардан йил давомида жами 3733,4 грамм марихуана, 17,8 грамм опиум, 1662,44 грамм героин гиёҳвандлик моддалари далилий ашё сифатида тегишли тартибда суд ҳукми чиққанидан сўнг йўқ қилинди.

Гуруч курмаксиз бўлмаганидек, камчиликлар ҳам йўқ эмас. Масалан, туман ИИБ ҳуқуқбузарликни олдини олиш бўлинмаси, айниқса, Ўртаовул қўрғони профилактика инспекторлари томонидан олиб борилаётган ишлар талаб даражасида эмас. Аниқланишича, соғлиқни сақлаш бўлимининг наркология шифокори ҳисобида гиёҳванд моддаларни игна орқали истеъмол қилувчи шахслар сифатида рўйхатда турганлар билан олиб борилган профилактик огоҳлантириш ишлари номига ўтказилган. Бу эса ИИБнинг ичкиликбозликка қарши кураш ва жиноятчиликни олдини олиш бўлинмаси, соғлиқни сақлаш бўлими билан ҳамкорликда олиб борган ишлари талаб даражасида эмаслигидан далолат беради. Қолаверса, бу ҳол Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1994 йилнинг 27 декабридаги қўшма буйруғи талаблари бажарилмаётганлигини ҳам ифодалайди. Шу боисдан ҳам аниқланган ҳолатлар бўйича туман ИИБ бошлиғи ва туман марказий шифохонаси бош шифокори номига тақдимномалар киритилди.

Албатта, бу йўлда ҳушёр ва тезкор бўлинмаса, гиёҳвандлик балоси халқимиз бошига қатор ташвишларни ёғдириши мумкин. Ахир, маълумотларга кўра, бундай мудҳиш муҳитни вужудга келтираётган наркоманияга қарши курашиш учун дунёда кунига миллионлаб АҚШ доллари миқдорида маблағ сарф бўлаётир. Гиёҳвандлик — тубсиз жарлик. Унинг оқибатлари боис инсоният мисли кўрилмаган даражада маънавий, ижтимоий-сиёсий ва албатта иқтисодий зарар кўрмоқда.

Ер юзида ҳар куни минглаб одамлар шу офат туфайли азоб билан ҳаётдан кўз юммоқда. Туғилаётган гўдакларнинг эса ўртача 10 фоизи гиёҳвандлик оқибатида ногирон, майиб-мажруҳ ҳолда дунёга келмоқда. Шундай экан, ушбу рақамлар барчани огоҳ этиши, босаётган ҳар бир қадамини ўйлаб босишга ундаши лозим бўлади.

**Одилжон МАТХОЛИҚОВ,**
**Тошкент вилояти,**
**Зангиота тумани прокурори,**
**адлия катта маслаҳатчиси.**

*Қилмиш қидирмиш*

# БАРБОД БЎЛГАН "ОПЕРАЦИЯ"

***Фарҳодга кўпчилик ҳавас қиларди. Чунки у Тошкентдаги иқтисодиёт университетининг халқаро бизнес факультетида 3-курсда таҳсил олаётганди.***

"Қозонга яқин юрсанг қораси, ёмонга яқин юрсанг балоси юқади", деб бежиз айтилмаган экан. Асли самарқандлик Ҳусан Каримов билан танишди-ю хаёли қочди. Ўзи ўқиётган институтнинг магистратурасида таҳсил олаётган бу йигит билан енгилроқ пул топиш йўлини кўзлади. Ҳусан Каримов савдо-сотиқ ишлари билан ҳам шуғулланиб турарди.

Ҳозирги олибсотарлар бировни шапкасини бировга кийдиришга устаси фаранг. Ҳусан ҳам товар олиб келиш учун Фарҳоддан бир ярим миллион сўм пул қарз сўради. Фарҳоднинг ўзида бунақа катта пул йўқ эди. Ҳамюрти Қаҳрамон Холмирзаевнинг банкда ишлаши ва унда пул бўлиши, сўраса бериб туриши мумкинлигини ўйлаб, Ҳусан Каримовни уникига бошлаб борди. Бир ҳафтада қайтариш шарти билан Ҳусан ундан бир ярим миллион сўм қарз олди-ю, аммо қайтариш муддати келса ҳам қорасини кўрсатабермади. Фарҳод Ҳусан Каримовни топиб, ҳамқишлоғи Қаҳрамон Холмирзаев ҳузурига бошлаб борди. Ўшанда қарз ҳисобига Ҳусан Каримов қалбаки долларни ўтказмоқчи бўлди. Аммо Қаҳрамон Холмирзаев доллар нархи арзонлигидан шубҳаланиб, "сўмда берганман, сўмда қайтарасан", деб қатъий туриб олди.

Дарҳақиқат, Ҳусан Каримовдаги 1700 АҚШ доллари қалбаки эди. Буни сезган Фарҳод долларни бир бало қилиб сотиш учун олиб қолди. Пулнинг сохтаси сохта-да, сифати ҳам, қоғози ҳам бундайроқ. Фарҳод долларни чўнтагида олиб юрабергани учун ярмидан кўпи яроқсиз ҳолга келиб қолганди. У 1000 доллар қалбаки пулни ташлаб юборди. Қолган 700 долларини ўзи туғилиб ўсган Чортоқ туманига олиб кетди.

2003 йилнинг 1 январида Янгиқўрғон туманига иш билан бориб танишлари Сардор Нишонов ва Раҳим Жўрабоевларни учратиб қолди. Қалбаки доллар ҳидини сезган, мўмайроқ пул ишлаб олиш ниятида С.Нишонов ва Р.Жўрабоевлар пулни олиб қолишди. Бироқ С.Нишонов билан Р.Жўрабоев 600 АҚШ долларини 270 минг сўмга сотаётган пайтида қўлга олинди.

Яқинда жиноят ишлари бўйича Чортоқ тумани суди судьяси С.Воҳидова раислигида ушбу жиноят иши кўриб чиқилди. Судланувчи Фарҳод Ҳасанов Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 176- моддаси 2-қисми б, в бандлари бўйича айбли деб топилиб 6 йилга, Сардор Нишонов ва Раҳимжон Жўрабоевлар эса Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 176- моддаси 2-қисми б, в бандлари бўйича айбли деб топилиб 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Хуллас, қинғир ишнинг қийиғи чиқди. Қалбаки доллар сотиш "операцияси" барбод бўлди.

**Ёқубжон ЖАМОЛОВ,**
**Чортоқ тумани прокурори,**
**адлия маслаҳатчиси.**

*Ажаб савдолар*

# ҚИНҒИР ИШНИНГ — ҚИЙИҒИ

## *ёки «Сайёт—Олия» хусусий фирмаси нега жаримага тортилди*

***Бухоро шаҳри Тўқимачилик туманида фаолият кўрсатаётган "Сайёт-Олия" хусусий фирмаси қурилиш-таъмирлаш ишлари билан шуғулланади. Ишлари чакки эмас. Доимо буюртмачи-мижозлар етарли. Аммо, ишлари олға силжиган сари негадир фирма раҳбари Олия Қамбарованинг тинчлиги йўқола борди.***

— Кўз тегмасину буюртмачиларимиз сафи кенгайиб бораяпти. Даромадларимиз ҳам ортаётир. Бироқ, солиқлар ҳам ўз-ўзидан ўсадида..., — деб ўйлади у бир куни.

Сўнгги пайтларда эса шундай хаёллар унга тинчлик бермай қўйди. Ўйлай-ўйлай Олия солиқлар юкини камайтиришнинг "оммабоп" усулини танлади.

2002 йилда фирма томонидан Тўқимачилик тумани халқ таълими бўлими, Бухоро шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 35-, 21- ва 31-сонли умумтаълим мактаблари билан қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш учун шартномалар тузилди. Тўқимачилик тумани халқ таълими бўлимида 44600 минг сўмлик, Бухоро шаҳар халқ таълими бўлимида 35898 минг сўмлик, 31-мактабда 1 миллион сўмлик ва 35-сон умумтаълим мактабида 60,2 минг сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилиб, бунинг учун буюртмачилар томонидан шунча миқдордаги пул фирманинг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказилди.

Бироқ, фирма раҳбари туман Давлат солиқ инспекциясига бажарилган ишлар тўғрисида нотўғри ҳисобот тақдим этган. Фирма раҳбари О. Қамбарова 2002 йилда бажарилган қурилиш-таъмирлаш ишларидан тушган тушумларни ДСИга тақдим этилган ҳисоботда тўлиқ кўрсатмай, қасддан яширган. Натижада фирма томонидан 2002 йил учун майда тадбиркорлик субъектларининг ягона солиғи 5442,8 минг сўмга ҳамда нафақа жамғармасига 0,7 фоизли ажратма 402 минг сўмга кам ҳисобланиб, давлат бюджетига жами 5844,8 минг сўмлик зарар етказилган.

Фирма томонидан тақдим қилинган ҳисоботларда ялпи тушумдан олинадиган 10 ва 5 фоизли ягона солиқлар ва қўшилган қиймат солиғи ҳамда нафақа жамғармасига 0,7 фоизли жамғарма ва ишчи-хизматчиларнинг даромадларидан олинадиган солиқлар қасддан камайтирилганлиги натижасида бюджетга катта миқдорда зарар етказилган. Давлат солиқ инспекцияси томонидан фирмага нисбатан 9614,6 минг сўмлик молиявий жарима қўлланилиб, бугунги кунда фирманинг бюджет олдидаги мажбурияти 17986,2 минг сўмни ташкил қилмоқда. Кўриниб турибдики, фирма раҳбари "Қош қўяман деб, кўз чиқаргандек" бўлди. Шунингдек, "уддабурон" раҳбар О. Қамбарова устидан жиноий иш қўзғатилди.

**Р. РАҲМАТОВ,**
**Бухоро вилоят прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғи.**

**Ҳ. САФАРОВ,**
**Тўқимачилик тумани Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи ўринбосари.**

## ҚАҲ-ҚАҲА



-Эсингни еб қўйибсан! Денгизга дам олгани кетаётган одам қора қўйлакни нима қилади?

-Ҳамма вақт ҳамма нарсани ҳисобга олиб юрмоқ лозим. Эрим шўрлик ахир сузишни билмайди-ку!

***

**Кекса эркак ёшгина жувонга жазманлик қилмоқда. Кечқурун у жувонга дейди:**

**-Шунча йиллар мобайнида сизсиз қандай яшаганимни тасаввур ҳам қилолмайман.**

**-Ҳаётингизнинг дастлабки эллик йилида мен ҳали дунёга келмаган эдим-да.**

***

-Алло, жонгинам! Сенмисан? Менга тегасанми, йўқми?

-Сен буни жиддий айтяпсанми?

-Албатта.

-Бу масалани чуқур ўйлаб кўриш керак. Беш минутдан кейин қўнғироқ қил-чи...

***

**Клиниканинг раҳбари бошловчи шифокорга гапиряпти:**

**-Нега хомушсиз? Сиз муолажа қилган биринчи бемор тузалиб чиқиб кетди.**

**-Унинг нима сабабдан тузалиб кетганини ҳеч тушуна олмаяпман, профессор.**

***

-Менга қаранг, нега сиз китоб ўқимайсиз?

-Вақтим йўқ. Мен китоб ёзишим керак.

***

**-Хотин бугунча телевизорни тўрга қўяйлик.**

**-Нега? Турган жойи яхши-ку?**

**-Тўғри-ю, аммо бугун хўжайин телевизорга чиқадиган эдилар.**

***

Хўранда:-Бу қанақаси! Лағмонингиздан тугма чиқди-ку?

Ошпаз:-Э, раҳмат, ака! Мен уни кун бўйи излаб юрувдим.

***

**Эр:-Доим пул, пул, пул! Ҳа, мундоқ ўзингга керакли нарса-ақл сўрасанг бўлмайдими?**

**Хотин:-Мен сизда бор нарсани сўраяпман.**

***

Ажралишдан олдин хотин эрига қичқирди:

-Аблаҳ! Нобуд бўлган ёшлигимни қайтариб бер!

-Майли!-деб жавоб берди эри.-Олақол! Фақат ҳеч қачон сенинг қорангни кўрмасам бўлди!

***

**Психиатр қабулида:**

**-Сизда «мен итман», деган фикр қачон пайдо бўлган?**

**-Кучукчалик вақтимда.**

***

Бемор шифокордан сўрайди:

-Доктор, нега анализларим чатоқ?

-Анализлар учун қанча тўлагансиз?

-Ҳар бирига беш минг лирадан.

-Яхши анализлар икки баравар қимматроқ туради.

***

**Академик шифокор ҳузурида:**

**-Доктор, уйқусизлик дардига чалиндим, шекилли. Сўнгги бешта илмий кенгаш вақтида жами бўлиб, атиги ўттиз минут ухлабман.**

***

Талаба имтиҳон топшириб чиқяпти. Ўртоқлари сўрашди:

-Қалай, топширдингми?

-Топширдим, шекилли.

-Нимани сўради домла?

-Ким билади дейсан. У немисча сўради.

***

**Профессор талабадан сўрайди:**

**-Қани айтинг-чи, «имтиҳон» нима дегани?**

**-Иккита ақлли одамнинг ўзаро суҳбати, домлажон.**

**-Улардан бири аҳмоқ бўлса-чи?**

**-Унда иккинчиси стипендиясиз қолади, домлажон.**

# ҲАР ТЎҒРИДА

*КЛИЧКО ЛЬЮИС БИЛАН КИНОДА УЧРАШМОҚДА*

**Ҳозир жаҳон бокс ишқибозлари машҳур бокс юлдузлари бўлмиш Украиналик Виталий Кличко ва Англиялик Леннокс Льюис ўртасида бўлиб ўтадиган учрашувни сабрсизлик билан кутмоқдалар.**

Виталий Кличко эса ўз рақиби билан ҳозир деярли ҳар куни кино орқали учрашмоқда. Шу йўл билан у рақибининг кучли ва заиф томонларини аниқламоқда. Унинг мақсади Льюисни енгиш учун ўзига хос тактика ишлаб чиқишдир.

Машҳур боксчи Игорь Высоцкийнинг фикрига қараганда Виталий Кличко тўғри йўлдан бормоқда. Унинг айтишича, ҳозир Виталийга бас келадигани йўқ. Шу сабабли у албатта ғолиб чиқади. Аммо бу фикрнинг тўғри ё нотўғрилигини яқин орада бўладиган жанг кўрсатади.

*ҲАМ АРЗОН, ҲАМ ҚУЛАЙ*

**Молдованинг Калараш шаҳридаги Делтопланчилар клуби аъзолари деҳқонларга яқиндан ёрдам беришмоқда.**

Маълум бўлишича, делтопланчилар экинзорлар, боғлар ва токзорлардаги касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш олиб боришда самарали восита экан. Ушбу учар техникаларни бошқариш осон, энг яхши томони ёнилғи талаб этилмайди. Шу сабабли ҳам бир гектар ерга ишлов беришга кетадиган сарф-харажат самолётда ишлов берилганига қараганда анча арзондир. Шу йўл билан Делтопланчилар ўз клублари ишини тараққий эттиришга маблағ топишга муваффақ бўлишмоқда.

*ҚЎЛИНГДАН КЕЛМАСА ҲАҚИНИ ТЎЛА*

Яқинда Сеул шаҳри суди бундан уч ой илгари уйланган йигитчани ўз вазифасини уддалай олмагани учун 42 минг АҚШ доллари тўлаши кераклиги ҳақида ҳукм чиқарди.

Гап шундаки, йигитча уйлангач никоҳ куниёқ у чарчаганлигини баҳона қилиб ўз вазифасини бажаришдан бош тортган. Аммо кейинчалик ҳам ҳар хил арзимас нарсаларни рўкач қилиб хотинига яқинлашмаган. Орадан уч ой ўтгач келин қаллиғининг эр бўлаолмаслигини англагач уни судга берган.

*АРМАНИСТОНДА НАТО МАШҚЛАРИ*

**Ҳозир Арманистоннинг Америка Қўшма Штатларидан олаётган ёрдами киши бошига ҳисоблаганда Исроилдан кейин иккинчи ўринда туради.**

Шу туфайли ҳам НАТО раҳбарияти кенг қамровли, кўпмиллатли ҳарбий машқларни ўтказиш учун Арманистонни бекорга танлагани йўқ. Айни кунларда давом этаётган "Биргаликдаги энг яхши ҳаракат—2003" деб номланган машқларда шартли душманга қарши биринчи марта Арманистон билан Туркия ҳамкорликда "курашадилар".

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши ва «Адолат» газетаси ижодий жамоаси.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Р. З. АҲМАДАЛИЕВ (Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи)
Т. О. ДАМИНОВ, А. Ғ. ҒУЛОММАҲМУДОВ, А. ЖЎРАБОЕВ, Р. Р. ҲАЙДАРОВ,
К.РИХСИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Б. ТОШЕВ, Р. М. АЗИМОВ,
Т. И. ЭРГАШЕВ, А. МАМАЖОНОВ, Ў.Ф. ЖЎРАЕВ, М. Б. РАҲМОНОВ,
Н. НУРМАТОВ, Д. Ғ. ТОШМУҲАМЕДОВА, З. Т. ТЎРАҚУЛОВ (ўз мухбир).

Мулоқот учун телефонлар:
Хатлар ва шикоятлар бўлими — 136-53-14.
Бухгалтерия — 136-55-64.
Факс: (8.371) 133-41-89.

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасидан 140 рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма Г— 450, Адади 2333 Ҳажми—2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

«Шарқ» нашриёт - матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Саҳифаловчи — Бахтиёр ҚЎШОҚОВ | Навбатчи— Зафар КАЛОНОВ

Газета IBM компьютерида терилди.

Босишга топшириш вақти—20.00.

• Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. • Реклама ва эълонлар ҳаққонийлиги учун буюртма берувчи масъулдир. • «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади. t Мазкур белги остида тижорат мақолалари чоп этилади. • Газетанинг сифатли босилишига босмахона масъул. • Қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва жавоб берилмайди.

Босишга топширилди 20.00.